

## FORMATION OF TEACHER PROFESSIONAL COMPETENCE

Sabirova Nasiba Ergashevna

Head of the Department of Language Teaching, Khorezm region

---

### ANNOTATION

This article deals with the formation of professional competence of the teacher, the level of efficiency of the teacher, the competence. Competence is also defined as the acquisition of knowledge and skills that are manifested in the learning process and as a result of daily pedagogical activities.

*Key words: professional competence, competence, adaptive competence, executive competence, natural competence, vocational education*

### INTRODUCTION

Таълим тизимидаги энг кўп ва фаол муҳокама қилинаётган масалалардан бири бу ўқитувчи шахси шаклланиши ва ўсиб бориши борасидаги янги тушунчалар мисол қилишимиз мумкин. Шулардан бири Компетенция тушунчаси педагогикада илгари сурилаётганини мисол қилишимиз мумкин. Ўқитувчининг фаолият самарадорлиги даражаси “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари ёрдамида баҳо бериш оммалашиб кетди. “Компетенция” шахс мукамал биладиган предмет– соҳа бўлиб, унинг фаолият кўрсатиши учун тайёр эканлиги ўлчови ҳисобланади. “Компетентлик” тушунчаси, шахснинг йўналтирилган таснифи, битирувчининг маълум соҳада фаолият кўрсата олиши кўникмаси эканлигини таъкидлаб ўтади. Энг муҳим компетентлик – ўзлаштириш билан белгиланиб билим ва маҳорат бўлиб, ўқув жараёнларида ҳамда кундалик педагогик фаолият натижасида намаён бўлади. Шахсда мустақил билим олиш ўз устида ишлаш хислати сифатида белгиланади. Илм – фаннинг жадал суратларда ривожланиб бориши ўқитувчи олдида доимий ўз билимларини мустақил равишда ошириб боришни тақозо этадики, буда касбий компетентлигини таъминлаш имконини беради.

Компетенция хаётий кўникмалар билан боғлаш мумкин. Шулардан бир касбий компетенциялардан айримларига тўхталсак. Ўқитувчи шахси ривожланишида “адаптив компетентлик” – мослашув компетентликнинг ахамияти беқиёс. Бу шундай шахсий сифатларни ўзида жамлаганки, ўқитувчининг ўз функцияларини муваффақиятли бажариши, янги педагогик жамоада ўз ўрнини топиши, жамоа ривожланиши жараёнларига фаол таъсир кўрсатиши билан боғлиқдир.

Компетенция тузилишида “ижрочилик компетентлиги” алоҳида ўрин тутди. Унда ишнинг бажарилиши (фаолият натижалари) ва хулқ – атвор модели кўришимиз мумкин. Шу билан бирга ўқитувчининг амалий компетентлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда назарий билимларни бевосита амалиётда қўллаш олиш тушунилади. Шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки ўқитувчи компетенцияси умумий тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади: “табиий компетентлик”, “ўзлаштирилган компетентлик”, “мустақил билим олиш компетентлиги”, “адаптив(мослашув) компетентлик”, “ижрочилик компетентлиги”, амалий компетентлик.

Юқорида тилга олинган ўқитувчига қўйиладиган компетенция тузилишига яна бир муҳим жиҳатни қўшиш зарур, чунки таълимнинг коммуникатив (киришувчилик) табиати шунини тақозо қиладики, инсон фаолиятининг кўплаб касб турларидан фарқли ўларок, ўқитувчининг меҳнати турли даражадаги таълим субъектлари билан мунтазам алоқага киришиш орқали амалга оширилади. Раҳбарият, ўқитқвчилар, ўқув усталари, талабалар ва бошқа шахслар ана шулар жумласидандир. Барча турдаги педагогик фаолият ўз

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICE CONFERENCE ON "  
INTERNATIONAL EXPERIENCE IN INCREASING THE EFFECTIVENESS OF  
DISTANCE EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS"**

моҳиятига кўра, турли мулоқот, муомала ва алоқалардан иборат бўлиб, асосий иш вақтининг 80 фоизи коммуникацияга сарфланади.

Ўқитувчи фаолиятнинг коммуникативлик табиати таълим субъектлари ва жамоатчилик ҳамкорлигига оид умумий назарияга асосланади. Коммуникатив компетентлик асосида педагогик мулоқот ётади, у таълим тизими фаолиятини ташкил этиш ва субъектларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида ўқув-тарбия ва шахсни камол топтириш мақсадларини рўёбга чиқаради. Аммо “коммуникатив компетентлик” тушунчаси “педагогик муносабат” тушунчасига нисбатан анча кенг маънони акс эттиради. Биринчиси, инсон фаолиятининг кўп функцияли турларини “инсон – инсон” кўринишидаги чексиз маъносини берса, иккинчиси, маълум бир чегара атрофида ҳаракат қилиб, ўқув–тарбия вазифаларини бажаришга қаратилган зарур кўрсатмалардан иборат.

Ўқув машғулотларини олиб бориш, семинарлар ташкил этиш, амалиёт ўтказиш, тарбиявий ишларни олиб бориш, педагогик кенгашлар ва методологик комиссиялар ўзининг қонуниятларига кўра ўта мураккаб психо – педагогик таъсир ўтказадик, методлар, анъаналар, ахлоқий ва бошқа муносабатлар педагогдан олий даражадаги коммуникатив компетентликка эга бўлишини тақозо қилади.

Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги даражаси унинг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилишидан ташқари меҳнат самарадорлигини оширади, жамоа билан ишлаш муомала қилишга ўргатади. Профессional ўқитиш сифатини ва педагогик фаолияти унумини сезиларли даражада ошириш имконини туғдиради. Коммуникатив компетентликнинг ўзига хос субъектив ва объектив сабаблари мавжуд.

Коммуникатив компетентлик даражаси пастлигининг субъектив сабаблари педагог шахсининг ўз коммуникатив компетентлигининг қатъий ривожланишига нисбатан эътиборсизлиги, уларнинг профессионал жихатдан паст даражада эканлигидир. Бу ҳолатларни педагоглар фикрлашидаги консерватизмда, ишга нисбатан диққат ва эътиборларининг камлиги ва лоқайдликларида, ўйламай фикр билдиришларида эътироф этиш мумкин.

Касбий таълим ўқитувчиси коммуникатив компетентликка эга эканлиги қуйидагиларда ўз аксини топади: жамоа билан чиқиша олишлик, киришимлилиқ, ўқув усталари билан ҳамкорликда ишлай олиши, муаммоларни ечишда қатъият ва сабр тоқат билан ёндашув, нутқ маданиятининг шаклланиши ва бошқалари.

Шундай қилиб, коммуникатив компетентликнинг шаклланиши педагогик муносабатлар ва ҳамкорликлари доирасидан ташқари, аниқ мақсадни кўзлаб, педагогик жараёнлар – ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишида қўйилган мақсадлари, уларнинг ахлоқий, етук, профессионал маҳорат билан фаолият кўрсатишларига хизмат қилади.

Касбий таълим ўқитувчисининг коммуникатив компетентлиги бевосита олий таълим муассасасида шаклланиб боради ва педагогик жамоада ўз аксини топади.

1.	Иштирокчининг Ф.И.Ш.	Сабирова Насиба Эргашевна
2.	Мақоланинг мавзуси	Ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш
3.	Лавозими, илмий даражаси, унвони	Тилларни ўқитиш кафедраси мудири ф.ф.ф.д(PhD)
4.	Иш жойи	Хоразм вилояти ХТХҚТМОХМ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICE CONFERENCE ON "  
INTERNATIONAL EXPERIENCE IN INCREASING THE EFFECTIVENESS OF  
DISTANCE EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS"

---

5.	Телефон рақами	90-438-49-50
6.	E_mail:	<b>sabnas1@yandex.ru</b>